



ИСТИҚБОЛДА ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНІШ КҮРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗЛАРИ

Сабурова Насиба Розумовна -

*Тошкент ахборот технологиялари университети,
кафедра асистенти*

doi⁺ https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a69

Аннотация. Мақолада Қарақалпоғистон Республикасы Хўжайли тумани ижтимоий ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Шуниндек, истиқболда туман аҳолисига ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва уларнинг уй-жойларга бўлган талаблари прогнози амалга оширилган.

Калим сўзлар: ижтимоий ривожланиш, қишлоқ туманлари, хизматлар соҳаси, уй-жой, савдо, соғлиқни сақлаш, мактаб, модель ва алгоритмлар, прогноз.

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ТУМАНА НА ПЕРСПЕКТИВУ

Сабурова Насиба Розумовна -

*ассистент кафедры Ташкентского
университета информационных технологий*

Аннотация. В статье анализируется современное состояние социального развития Ходжилинского района Республики Каракалпакстан. Также в перспективе прогнозируется оказание социальных услуг жителям района и их потребности в жилье.

Ключевые слова: социальное развитие, сельские округа, сфера услуг, жилье, торговля, здравоохранение, школа, модель и алгоритмы, прогнозирование.

PREDICTION OF SOCIAL DEVELOPMENT INDICATORS OF RURAL FOG FOR THE PERSPECTIVE

*Saburova Nasiba Rozumovna -
Tashkent information technologies University,
assistant of the department*

Abstract. The article analyzes the current state of social development of the Khojaily region of the Republic of Karakalpakstan. Also in the future, it is predicted the provision of social services to residents of the district and their housing needs.

Keywords: social development, rural districts, services, housing, trade, healthcare, school, model and algorithms, forecasting.

Кириш. Қишлоқ туманларини ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш аҳоли фаровонлигиги белгиловчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Шуни ҳисобга олганда, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги[1] энг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифа қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ролини янада ошириш ва хизматлар тармоқларини аҳолининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилашга йўналтириш зарурлиги ҳисобланади.

Қарақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани ижтимоий жиҳатдан ривожланган ҳудудлар қаторига киради. Туман аҳолиси 2021 йилда 124,7 кишини ташкил этган ва унинг уй-жой фонди билан таъминланганлик даражаси 75 %дан юқори ҳисобланади. Уй-жой фондининг 20 фоизи жамоат улушкига, 75,0 % и эса якка тартиbdаги секторларга тўғри келади. Аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминлаш меъёрдаги 15,0 кв.м га қарши 11,2 кв.м ни ташкил қиласди. Бунда 2020 йилда бутун туман бў-

йича етишмаётган уй-жой фонди 1398,4 минг квадрат метрга тенг бўлган.

Ҳозирги босқичда Хўжайли туманини ижтимоий ривожлантиришда аҳолига турли хизматлар кўрсатиш, бунинг учун янги корхоналар ташкил этиш, ижтимоий соҳада кичик тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш, истеъмол бозорини кенгайтириш, майший хизмат, мактаб ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини таҳлил ва прогноз қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олганда, Хўжайли туманининг истиқболда ижтимоий ривожланишини таҳлил ва прогноз қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётида асосий ўрин тутувчи долзарб ва зарур тадқиқотлар қаторига киради.

Адабиётлар таҳлили. Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш муаммоларига кўплаб хорижий ҳамда мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқот ишлари бағишиланган. Улар қаторига М.В.Жаданнов[5] “Қишлоқ хўжалигида инновацияларнинг ривож-

ланиш истиқболлари" мавзусига бағишиланган мақоласыда худудларда озиқ-овқат хавфсизлигini таъминлашда қишлоқ хұжалигини ривожлантириш асосий омил эканлигини таъкидлаб ўтган. Шуны инобатта олганда, қишлоқ хұжалигиде инновацион технологияларни жорий этиш ягона самарали йўл эканлиги таъкидланган ва бу бутун худудларни ижтимоий ривожлантириш ҳамда аҳоли фаравонлигини оширишга хизмат қилишини кўрсатиб ўтган. Профессор Абдель Кадем ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида[6] Осиё, Африка, Лотин Америкаси ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларида қишлоқ худудлари иқтисодий-ижтимоий ривожланиши ҳамда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ва улар самадорлигини ошириш йўллари баҳоланган. Шу ўринда бу олимлар ўз ишланмаларидан фойдаланиш имкониятини берганлар.

Доцент Ф.Р.Галимова, М.А.Худоёров, А.М.Садиқованинг тадқиқотларида[7] қишлоқ худудлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган логистик тизимларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ўрганилган ва ундан худудларда фойдаланиш механизми таклиф этилган. Ҳамда бу механизмни қўллаш имкониятини берганлар.

К.Ф.Қўзиевнинг тадқиқотида[8] худудларда сув ресурслари етишмаслиги ҳамда табиий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган суғорила-диган ерларда номутаносибликлар мавжудлиги аниқланган. Шуни ҳисобга олиб, муаллиф Ўзбекистонда қишлоқ хұжалиги худудий таркибини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқсан. Б.Х. Қўзибоевнинг[9] тадқиқотларида хизматлар соҳасини минтақада ижтимоий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда ушбу соҳа тармоқларини рақамлаштириш усули таклиф этилган.

"Оролбўйи минтақаси талаблари ва зарурияти" деб номланган илмий ишда [10] аҳоли бандлиги ҳамда ижтимоий талаблари таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот негизи қишлоқ аҳолиси фаровон яшашини таъминлаш ва худудларнинг ривожини баҳолаш бўйича таклифлар берилган.

З.К.Усманов, М.А.Ниязов [11] тадқиқотлари Қорақалпоғистон Республикаси ривожланиш муммаммоларига бағишиланган. Унда ушбу республика саноат тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишлари асосланган. Х.С.Асадов [12] тадқиқотларида алоҳида худуднинг ҳозирги босқичида стратегик ривожлантириш тенденциялари ўрганилган ва уни амалга оширишнинг услугубий жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Бизнинг тадқиқотимизда таҳлил қилинган илмий ишлар Қорақалпоғистон ва унинг Хўжайли туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот методологияси. Қишлоқ туманлари ижтимоий ривожланиши прогнози тизимили, таркибий ҳамда мантикий таҳлил ёндашувларига асосланган. Тадқиқотда илмий умумлаштириш, гурухлаш, миқдорий таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил ҳамда эконометрик моделлаштириш усуллари илмий ва эмпирик баҳолаш усуллари сифатида фойдаланилган.

Тадқиқотда ижтимоий обьектлар бўйича статистик кўрсаткичлар $\sum_{i=1}^n a_{ij} x_j = y_i$ – матрица кўринишдаги ахборотлар базаси яратилган. Шунингдек, асосий кўрсаткичлар бир ёки кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида прогноз қилинган. Улар қуидагилардан иборат:

$$\begin{aligned}y_i(x) &= a_{i1} + a_{i2}x_1; \\y_i(x) &= a_{i1} + b_{i2}x_2 + k_{in}x_n; \\y &= BK^a\lambda^\beta, (\lambda + \beta = 1).\end{aligned}$$

Ушбу моделлардан худудий ривожланиш кўрсаткичларини 2025-2030 йиллар учун прогноз қилишда фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Статистик маълумотларга қараганда, Хўжайли туманида жами хизматлар ҳажми 2020 йилда 302365,2 млн. сўмга тенг бўлган, шундан ижтимоий соҳа бўйича бозор хизматлари 163945,1 млн. сўмни ёки умумий хизматлар ҳажмининг 54,2 фоизини ташкил этган (1-жадвал). Ушбу кўрсаткич ўтган даврга нисбатан 5,8 фоизга ўсган. Хўжайли туманида 2020 йилда энг кўп хизмат ҳажми савдо (106269,0 млн. сўм) ва транспорт хизматларида (54155,3 млн. сўм) бўлган.

Туманда шу йили соғлиқни сақлашда бозор хизматлар ҳажми 3808,1 млн. сўмга, таълим соҳасидаги хизматлар 8296,6 млн. сўмга, шахсий хизматлар 17737,2 млн. сўмга тенг бўлган. Энг кам хизмат ҳажми эса меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги (13814,3 млн. сўм) ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (3808,1 млн. сўм)га тўғри келади.

Хўжайли тумани бўйича юқори улуш савдо (35,1 %) ва транспорт хизматлари (17,9 %)да қайд этилди. Нисбатан юқори бўлмаган улуш меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,5 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,3 %) ва бошқа хизматлар (1,5 %)да қайд этилди. Шу билан бир вақтда, бозор хизматлари таркибида (2,7 %), яшаш ва овқатланиш хизматлари (3,4 %), шахсий хизматлар (5,9 %) ва бошқа ижтимоий хизматлар ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу туманда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (145,5 %), бошқа хизматлар (112,3 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (109,6 %)да қайд этилди.

**Хўжайли туманида ижтимоий фаолият бўйича бозор хизматлари
ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати (2020 йил)**

Кўрсаткичлар	млн. сўм	ўсиш суръати, % да	жамига нисбатан, % да
Хизматлар – жами	302365,2	105,2	100,0
шу жумладан, асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	23022,9	109,6	7,6
молиявий хизматлар	29892,5	145,5	9,9
транспорт хизматлари	54155,3	100,1	17,9
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	52970,2	96,2	17,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари	10225,1	97,8	3,4
савдо хизматлари	106269,0	106,1	35,1
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	19738,7	90,4	6,5
таълим соҳасидаги хизматлар	8296,6	89,3	2,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	3808,1	88,4	1,3
ижара хизматлари	12967,8	98,8	4,3
компьютерлар ва маший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	10229,4	85,8	3,4
шахсий хизматлар	17737,2	90,6	5,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1381,3	89,6	0,5
бошқа хизматлар	4641,3	112,3	1,5

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари.

Унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари компьютерлар ва маший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (85,8 %) ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (88,4 %)да қайд этилди. Хўжайли туманида иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йилда янги корхоналарнинг 68 (28,1 фоиз) таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 77 (31,8 фоиз) таси савдо, 48

(19,8 фоиз) таси саноат, 22 (9,1 фоиз) таси курилиш соҳаларига тўғри келади. Шундан 2-жадвалда кўрсатилганидек, туманда ижтимоий соҳада жами 2019-2020 йилларда 174 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Ўтган 2020 йилда улардан 26 тасининг фаолияти тутатилган.

2-жадвал

Хўжайли туманида ижтимоий соҳаларда янги ташкил этилган корхоналар сони, бирлиқда

Кўрсаткичлар	2019 й.		2020 й.	
	Умумий сони	Улуши, %	Умумий сони	Улуши, %
Жами	93	100,0	81	100,0
шу жумладан, савдо	74	38,3	77	31,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15	7,8	2	0,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3	1,6	2	0,8

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Маший хизматларни амалга ошириш ҳажми 2020 йилда, умуман, туман бўйича 1443 млн. сўмни ташкил этди. Пулли хизматлар бу кўрсаткичнинг барқарор ўсишини назарда тутадиган ҳудудий тизимларнинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Қаралаётган йилда туманда пулли хизматлар ҳажми 212,7 млрд. сўмга ёки аҳоли жон бошига 1711,2 минг сўмга етди.

Мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Хўжайли тумани аҳолиси учун уй-жой қурилишининг ривожланишини прогнозлаш ва баҳо-

лаш амалга оширилди. Туманда аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, бу эса аҳолининг уй-жойга бўлган талабининг ошишига олиб келади. Буни истиқболининг прогноз ҳисоб-китобларида инобатга олиш керак. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи бир киши учун ва умуман, аҳолининг ҳудуд бўйича талабини прогнозлашда 15 квадрат метр миқдорида ҳисоблаб чиқилган. Бунинг учун туман аҳолиси сони 2025-2030 йилларда ўсиши $\hat{y} = 119,2 + 1,2t + 0,6t^2$ кўринишдаги парабола модели билан прогноз қилинган ($R^2=0,99$) (3-жадвал).

**Хўжайли тумани аҳолиси сони ва уй-жойларга бўлган талабининг прогноз
кўрсаткичлари (минг киши)**

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда 2020 й.	Прогноз		2020 йилга нисбатан ўсиш, %	
		2025 й.	2030 й.	2025 й.	2030 й.
Аҳоли сони	124,3	129,3	135,6	104,0	105,1
Уй-жойга бўлган талаб (1 кишига 15 м кв ҳисобида)	1864,5	1939,5	2034,0	104,0	109,1
Мавжуд уй-жой фонди, шу жумладан:	1398,4	1509,6	1791,5	107,9	128,1
кўп қаватли	280,0	348,2	411,9	124,4	144,1
якка	1118,4	1161,4	1379,6	103,8	123,4
Бир кишига таъминланганлик (1 кишига)	11,2	11,5	15,0	79,0	100,0
Етишмаётган уй-жойга бўлган талабнинг прогнози	466,1	429,9	242,5	92,2	52,0

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Туманда уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳажми давлат ва якка тартибдаги қурилиш шароитларида уй-жой фондининг мавжудлиги асосида белгиланади. Бу кўрсаткичлар аҳолининг мавжуд сони билан биргалиқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган меъёрий эҳтиёждан келиб чиқиб баҳоланадиган уй-жой билан таъминланганликни аниқлаш асосида ётади. Бунда давлат ва индивидуал секторлар бўйича уй-жой фондининг мавжуд ҳажми ва меъёрий эҳтиёж асосида етишмаётган уй-жойга талаб ҳисоблаб чиқилади.

Шуни таъкидлаш керакки, уй-жойларни фойдаланишга топшириш масаласи ҳам аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳам ҳудудий тизимларнинг уй-жой дастурини қурилиш материаллари, кредитлар бериш орқали маблағлар билан таъминлаш ва бошқа имкониятларидан келиб чиқиши билан ишлаб чиқилиши мумкин. Умуман, туман бўйича уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича вазифа ижрочилар ва молиялаштириш манбалари бўйича аниқланади. Улар давлат инвестициялари, уй-жой-қурилиш мажмуаси, индивидуал шартнома, хусусий корхоналар томонидан қуриш ва ҳоказолар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Истиқболда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи унинг сонига мутаносиб равишда ўсади (3-жадвал). Прогнозлаш даври йиллари бўйича уй-жойни фойдаланишга топшириш бўйича вазифалар фарқлари туфайли уй-жой фондининг мавжуд ҳажмида ҳам фарқлар мавжуд. Хуллас, 2025 йилда Хўжайли тумани аҳолисининг 2020 йилга нисбатан уй-жойга бўлган эҳтиёжи 4 фоизга ошади ва 1939,5 минг квадрат метрни ташкил этади. Эҳтиёжнинг ўсиши, асосан, аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ ва 2030 йилда 2034,0 минг квадрат метрга етиши кутилади, яъни 2020 йилга нисбатан у 109,1 фоизни ташкил этади.

Давлат ва индивидуал секторларда уй-жой фондидан фойдаланишнинг ўсиши бир кишига уй-жой билан таъминланганлик дара-

жаси ошишига бевосита таъсир қиласи. Шундай қилиб, агар 2020 йилда 1 киши учун реал таъминланганлик 11,2 квадрат метрни ташкил этган бўлса, у йилдан-йилга ортиб боради ва 2025 йилда 11,8 квадрат метрни, 2030 йилда эса 15,0 квадрат метрни ташкил қилиши кутилади.

Хўжайли туманида етишмайдиган уй-жой фонди меъёрий уй-жой эҳтиёжи ва прогноз қилинаётган уй-жой фонди орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Прогнозларга мувофиқ, уй-жой фондининг етишмаслиги унинг мавжудлигига тескари пропорционалликда ўзгаради ва йилдан-йилга камайиб боради. Бунда агар 2020 йилда етишмаётган уй-жой фондининг ҳажми туман бўйича 466,1 минг квадрат метрни ташкил этган бўлса, у ҳолда 2025 йилда бу кўрсаткич 36,2 минг квадрат метрга камайиши кутилади, 2030 йилда эса камайиш 223,6 минг квадрат метрни ташкил этиши мумкин. Буларнинг барчasi истиқболда туман ҳудудий тузилмаларида аҳоли уй-жойларга эҳтиёжи ва уларнинг мавжудлиги орасидаги фарқнинг сезиларли камайишини англатади.

Янги Ўзбекистон стратегияси талаблари шароитларида ижтимоий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тамойиллари, биринчи навбатда, қишлоқ ҳудудида савдо, майший хизмат кўрсатиш, ҳалқ таълими, маданият, транспорт, алоқа ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ўз ичига олади. Бунда туман бўйича эҳтиёжни прогноз қилиш 2023-2025 ва 2026-2030 йилларни ўз ичига олган иккита даврларда амалга оширилади. Прогноз қилишда савдо соҳаси дўқонлар тармоғи, умумий овқатланиш корхоналари, чакана товар айланмасининг умумий ҳажми ва дўқонлар тармоғининг ўсиши билан ифодаланган. Дўқонларнинг чакана савдо тармоғига бўлган меъёрий эҳтиёжи аҳоли сонини прогнозлаш ва аҳолининг чакана савдо майдончалари билан таъминланиши меъёрларидан келиб чиқиб аниқланди. Шу муносабат билан икки йиллик даврда, яъни 2023-2025 ва 2026-2030 йилларга қараганда, дўқонларнинг чакана савдо тармоғи ўсиши кутилади ва 20698

квадрат метрни ташкил этиши мумкин (4-жадвал).

Прогноз қилинаётган даврларда умумий овқатланиш корхоналарига бўлган эҳтиёж уларнинг 10000 кишига тўғри келадиган ўринлар сони билан аҳоли сонини таъминлаш меъёrlарини ҳисобга олиш билан аниқланди. Одатда, аҳоли сонининг ортиши билан умумий овқатланиш корхоналарига эҳтиёж ортади. Агар 2023-2025 йиллар даврида йилига ўртача бутун туман бўйича ўринларга бўлган эҳтиёж 1042 тани ташкил этадиган бўлса, 2026-2030 йилларда бу кўрсаткич 1108 ўринга этиши мумкин.

Пулли хизматлар нархининг ошиши маиший хизматлар кўрсатиш ҳажмининг кўпайишига бевосита таъсири қиласди. Прогнозлаш даврларида маиший хизматлар кўрсатиш ҳажми 2021 йилга келиб мос равища ўртача 194,5 % ва 232,9 %ни ташкил этиши мумкин. Буларнинг барчаси Хўжайли тумани аҳолисига пулли хизматлар кўрсатилишининг ошишига таъсири кўр-

сатмоқда. 2020 йил давомида туманда пулли хизматлар ҳажми 152,7 млрд. сўмни ташкил этди ва прогнозлашнинг биринчи даврида 137,8 %га, иккинчи даврда эса 150,2 %га ўсиши кутилади.

Аҳолининг жинси ва ёш таркиби бўйича прогнозлашга кўра, 2023-2025 ва 2026-2030 йиллар даврларида йилига ўртача кундузги умумий таълим мактабларида ўқувчилар сони мос равища 1650 ва 1725 кишини ташкил этиши кутилади, бу 2020 йилдаги кўрсаткичда 50,0 ва 56,8 %га ошган ҳисобланади. Бунда туманинг халқ таълими муассасаларига эҳтиёжлари қондирилишини баҳолаш учун умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида ўқувчилар ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқиш ўринлари ва мактабгача муассасалар билан таъминланганлик даражаси қўлланилади. Хўжайли туманида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ўқиш ўринлари билан таъминланганлиги ҳозирги кунда 78,8 фоизни ташкил этади.

4-жадвал

Хўжайли туманини ижтимоий ривожлантиришнинг 2023-2025 ва 2026-2030 йилларга мўлжалланган дастури кўрсаткичлари прогнози

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда 2020 й.	Бир йилга ўртача		2020 йилга нисбатан 1 йилга ўртача, %	
		2023- 2025 йй.	2026- 2030 йй.	2023- 2025 йй.	2026- 2030 йй.
Савдо					
Чакана савдо дўйконлари тармоғи, кв м	215	244	147,5	103,5	115,0
Умумий овқатланиш корхоналари, ўринлар	1948	2092	2248	107,4	115,4
Чакана товар айланмаси умумий ҳажми, млрд. сўм	519,0	500	636	115,7	122,5
Дўйконлар тармоғи ўсиши, минг кв м савдо майдони	11,4	30,8	43,3	2,7 м	3,8 м
Маиший хизмат					
Корхоналар сони, бирлиқда	123	235	335	1,9м	2,7
Маиший хизмат реализацияси ҳажми, млн. сўм	2640	5135	6149	194,5	232,9
Аҳоли жон бошига маиший хизмат реализацияси, млн. сўм	328,1	835,3	943,9	2,5м.	2,9м
Кутубхоналар					
Умумий кутубхоналар сони	145	165	185	113,8	127,6
Соғлиқни сақлаш					
Туман қишлоқларида касалхона жойлари сони – жами	344	395	434	114,7	126,1
Қишлоқ жойлари муассасалари қуввати –жами	1787	2010	2220	112,5	124,2
Қишлоқ жойларида дорихоналар сони	20	25	26	125,8	130,7

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Туманини ижтимоий ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурлари кўрсаткичлари прогноз натижаларига мувофиқ, прогноз даврнинг иккинчи босқичида (2026-2030 йиллар) умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўқиш ўринлари билан 100 % таъминлашга эришиш керак.

Қаралаётган даврларда маданият муассасалари сони ҳам кўпаяди, бу улар билан туман аҳолисини таъминлашнинг етарли даражасини кўрсатади. Агар 2025 йилга келиб, 1 та клуб ҳисобига ўртача йиллик аҳоли сони 1527 кишини ташкил этса, у ҳолда 2023-2025 ва 2026-2030

йилларнинг беш йиллик даврларида бу кўрсаткич мос равища 108,4 ва 121,9 фоизга ортиши кутилади.

Истиқболда Хўжайли туманини ижтимоий ривожлантириш прогнозларига мувофиқ, умумий кутубхоналар сони ўртача йилига 2026-2030 йиллар даврида 185 тани ташкил этиши мумкин. Шу муносабат билан битта оммавий кутубхонага тўғри келадиган аҳоли сони, ҳам биринчи, ҳам иккинчи прогнозлаш даврида 2450 киши даражасида барқарор бўлиб қолади, бу эса 2020 йилдаги кўрсаткичдан мос равища 12,6 ва 17,4 % ошган ҳисобланади.

Истиқболда йўловчилар сонининг ўсиши туфайли автобуслар ҳаракати ҳажми сезиларли даражада ошади. Прогнозлашнинг биринчи ва иккинчи даврларида 2020 йилга нисбатан ўртача йиллик йўловчиларни ташиб ҳажми мос равища 214,4 ва 266,0 миллион йўловчи-км га кўпайиши мумкин. Бу даврларда қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар туфайли туман аҳолисининг уй телефонлари билан таъминланганлик даражаси ошиши мумкин.

Прогнозларга кўра, соғлиқни сақлаш муасасалари географик жойлашувига боғлиқ равища қишлоқ муассасалари ва туман (шаҳар) марказига бўлинади. Бунда жойлашувидан қатъий назар соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиши, асосан, прогнозлаш давридан кейинги ўсиш йўналишига эга бўлган ҳар бир кўрсаткичлар билан тавсифланади. Масалан, бутун туман бўйича касалхоналардаги ўринлар сони 2020 йилдаги 344 та ўринлардан прогнозлашнинг биринчи даврида 395 та ўринга, прогнозлашнинг иккинчи даврида эса 434 та ўринга, шу жумладан, туман марказида (шаҳарда) 56 ўринлардан мос равища 65 ва 71 та ўринларга ортиши мумкин. Бунда, умуман олганда, тумандаги амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати прогнозлашнинг биринчи даврида йилига ўртача 2010 киши, иккинчи даврда бир сменада 2220 киши ташриф буюрди. Шунга ўхшаш вазият Хўжайли тумани қишлоқ ҳудудлари бўйича соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг бошқа кўрсаткичларини ҳисоблашда юзага келди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, тадқиқотда фойдаланилган моделлар ва алгоритмлар кўрсаткичларини ўзгартириш билан ҳудудий тизимларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг ҳар бир омили бўйича янги натижавий кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ечишга бундай ёндашиш тўлиқ даражада моделлаштиришнинг асосий тамойилларини амалга оширишга имкон беради, у алоҳида моделлар ва алгоритмларни ягона тизимга бирлаштириш ва улар ёрдамида кўп вариантили ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имкониятини беради. Шу муносабат билан ишда таклиф қилинган услубий ёндашув, модель ва алгоритмлар аниқ шароитлар ва тадқиқот вазифаларини ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқишида ишончли ёрдамчи бўлиб хизмат қилиши мум-

кин. Айнан шунинг учун улар ҳудудий тизимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш, прогнозлаштириш ва бошқаришнинг зарур таркибий қисми ва воситаси бўлиб қолади.

Хулоса ва таклифлар:

1. Қишлоқ туманларини ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришдаги энг муҳим вазифа қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ролини янада ошириш ва хизматлар тармоқларини аҳолининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилашга йўналтириш зарурлиги ҳисобланади.

2. Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, Хўжайли туманида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан хизматлар ишлаб чиқариш ўсиш суръати 6 %га teng бўлган ва бу минтаقا ҳудудида юқори кўрсаткич бўлиб, хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ҳамда улар билимлари ошиши, замонавий унумдор технологияларни амалга жорий этиш яхшиланishiдир.

3. Туманда энг кўп хизматлар ҳажми савдо (35,1 %) ҳамда транспортда (17,9 %), нисбатан паст даражадаги хизматлар муҳандислик, изланишлар, техник синовлар (0,5 %) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларга (1,3 %) тўғри келади. Туманда айрим хизмат соҳаларининг жами хизматдаги улушларининг камайиши ушбу тармоқлар ривожланишига инвестициялар киритиш ҳамда кадрлар салоҳияти пастлиги ҳисобланади.

4. Хўжайли тумани аҳолиси прогнозларга кўра, 2025 йилда 2020 йилга нисбатан 4 фоизга, 2030 йилга бориб эса қўшимча 5,1 фоизга ёки 124,7 минг кишидан 135,6 минг кишига кўпайиши мумкин. Бундан туман аҳолисининг уйжойга бўлган эҳтиёжи шу даврда 4 фоиздан 9,1 фоизга ўсиши кутилади.

5. Прогноз қилинган маъмулотларга кўра, туман ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари барқарор ўсиб бориш хусусиятига эга. Чакана савдо дўқонлари 2023-2025 йилларда йилига 15 фоиздан ўсиб бориши мумкин. Маиший хизмат корхоналари сони шу даврларда 1,9 ва 2,7 мартаға ошиш эҳтимоли мавжуд. Туман қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш тизими кўрсаткичлари ҳам 2026-2030 йилда юқори ўсиш тенденциясини сақлаб қолиши кутилади.

6. Ушбу тадқиқот методологиясида таклиф этилган ёндашувдан бошқа қишлоқ ҳудудлари ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишида, шунингдек, уларни рақамлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашириёти, 2021. – 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
3. Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на Внеочередной сессии Жокары Кенгаша Республики Каракалпакстан. 02.10.2020 г.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сонли "2020 – 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори.
5. Жаданнов М.В. *Инновационное развитие сельского хозяйства: вызовы и перспективы.* // Экономические отношения. 2019, Т. 9, № 2.
6. Абдель Кадем и другие. *Аграрные реформы в развивающихся странах.* // Московский экономический журнал. 2016, № 3. С.109-122.
7. Галимова Ф.Р. и другие. *Особенности логистических систем в сельском хозяйстве. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами.* 18.05.2021. – Т.: ТДАУ таҳририят-нашироёт бўлими. С. 8-12.
8. Қўзиев К.Ф. *Региональные особенности развития сельского хозяйства в Узбекистане в условиях дефицита водных ресурсов.* // Региональная экономика: теория и практика. 2018. Т.16. № 4. С. 711-728.
9. Қўзибоев Б.Х. *Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизmlарини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD диссертацияси автореферати.* 2020. – 28 б.
10. Потребности и нужды в регионе Приаралья. Отчет социально-экономического обследования. Нукус, 2017. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/library/poverty/summary-project-report-on-a-socio-economic-survey-of-the-needs> (дата обращения: 02.09.2021).
11. Усманов З.К., Ниязов М.А. *Приоритетные направления развития промышленности в Республике Каракалпакстан.* // Экономика и бизнес: теория и практика. 2015. № 8. С. 127-131.
12. Асадов Х.С. *Современные тенденции экономического развития регионов Узбекистана.* // Экономика центральной Азии. 2020. № 4(3). С. 251-262.